

THE CONCEPT OF PEDAGOGICAL EDUCATION IS IMPLEMENTED IN THE FAMILY IN THE WORKS OF ABDURAUUF FITRAT

Abdujalilova Shoirra Abdumazhitovna
Candidate of Pedagogical Sciences, TVCHDPI
sh.abdujalilova@cspi.uz

Annotation:

The article analyzes the concept of pedagogical education in the family of Abdurauf Fitrat and draws methodological conclusions.

Basic concepts: Education, pedagogy, family, upbringing, knowledge, approach, theory, practice, experience, skill, knowledge.

Ўзбекистоннинг ҳозирги янги ривожлантириш даврида барча соҳалар қаторида педагогик таълимни тараққий эттириш ҳам муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 февралдаги “Педагог кадрларни тайёрлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “...Педагогик илмий-тадқиқотлар қўламини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш” вазифаси қўйилган. Шу жиҳатдан жаҳид маърифатпарвар педагоги, биринчи ўзбек профессори Абдурауф Абдурахим ўғли Фитратнинг (1886-1938) қарашларидаги оилада амалга ошириладиган педагогик таълим тушунчасини таҳлил қилиш ва унинг мазмунини ўзлаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Фитрат ўз даврининг фаол жаҳид педагоги ва ислохотчи олими эди. У “ўндан ортиқ тармоқларни ўз ичига олган илмий мерос” соҳиби. Шу жиҳатдан Фитратнинг қарашларида оилада амалга ошириладиган педагогик таълим масаласи ўзига хос тарзда ифодасини топган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биз тадқиқотимизда “педагогик таълим” тушунчасини шахсга билим бериш, уни тарбиялаш ва касб-хунарга йўналтириш тарзида тушунамиз. Фитратнинг оилада амалга ошириладиган педагогик таълим масаласига доир тушунчаси унинг ўз даври XX аср I чорагидаги ижтимоий шароит, макон ва замон талаблари, педагогик эҳтиёжларга мос равишда шакллانган. Бу даврда ижтимоий ҳаётни янгилаш ва таълим тизимини ислох қилиш устувор масала бўлганлиги маълум. Мана шу жиҳатдан Фитратнинг оилада педагогик таълимни амалга ошириш тушунчаси ўзига хос бўлиб, унда

таълим–талаб–тарбия концепти бўртиб туради. Жаҳид маърифатпарвар ҳаммаслаклари қаторида у масалани жаҳидини (янгича) қўяди ва қўйилаётган масалага доир ёндошувлари 1914 йили ёзилган “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” рисоласида яхлит ўз аксини топган.

Фитратнинг оилада педагогик таълимни амалга ошириш тушунчаси қўйидаги уч муҳим компонентни қамраб олади:

- 1) Оила феноменини англаш;
- 2) Оиладаги таълим вазифаларини билиш;
- 3) Оила тарбияси асослари бўйича тушунчага эга бўлиш.

Бу масалалар қайд этилган “таълим-талаб-тарбия” концепти доирасида бўлиб, унда алломанинг индивидуал ёндошуви ўз ифодасини топган.

Оила феноменини англаш. Мазкур масала Фитратнинг педагогик таълим таълимотига доир таркиб бўлиб, у “Оила педагогикаси”нинг хусусиятларидан бирини ифодалайди. Унга кўра, ҳар бир вояга етган шахс оила феномени ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни тўғрисида

етарли даражада тушунчага эга бўлиши керак. Чунки у вақти келиб оилада таълим ва тарбия иши билан шуғулланиши мумкин. Фитрат мана шундай ёндошувдан келиб чиқади ва ҳар бир шахснинг оила феноменини англаб олишини педагогик талаб сифатида тушунади. У 1909 йили ёзилган биринчи йирик илмий рисолаи “Мунозара” асарида XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳуқуқида 10 миллион ва пойтахт Бухоро шаҳрида 70 минг аҳоли яшаши, бу нуфус “мустаҳкам оиланинг ҳосиласи” эканлигини қайд этади. Иккинчи йирик рисолаи 1912 йили ёзилган “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида мустаҳкам оиланинг самари бўлган бу аҳоли Бухоро музофотида Уламо (зиёлилар), умаро (аллохдандир) ва фуқаро (аҳоли) тоифаларига бўлинишини таъкидлайди. Шу жиҳатдан Фитратнинг фикрича, оила феноменини англашдаги **биринчи қадам масала** шахснинг ўзи яшаётган жамият аҳолиси миқдори ва уларнинг ижтимоий тоифасини билишдан иборат. Бу масала XX аср бошларидаги Туркистон ҳаёти учун долзарб эди. Чунки ижтимоий ҳаётни ривожлантириш ва таълим тизимини янгилаш масалалари бунга боғлиқдир. Аҳолининг миқдори, ижтимоий тоифалари ва уларнинг шахс сифатида вояга етишида оила муҳим ўрин тутиши маълум. Фитрат бунинг учун англаб, оила феноменини англашни унинг репродуктив вазифасидан бошлашни тавсия қилади.

Фитратнинг фикрича, оила феноменини англашдаги **иккинчи масала** оиланинг шахс ҳаётидаги ижтимоий вазифасини билиш билан боғлиқ. Бу борада педагог учинчи йирик илмий рисолаи “Оила ёки оилани бошқариш тартиби” асарида фикр юритади ва унинг фикрича, оила – бу шахсни маданий таифага бирлаштирувчи тузилмадир: “Одамлар халқ бўлишларидан олдин **жамоа** бўлиб яшаш зарур эканлигини билмаганлар, ваҳший ҳайвонларга ўхшаб ёлғиз, якка-якка бўлиб яшаганлар ва шу боис улар табиий мушкулотлар остида азоб чекканлар. Ниҳоят, вақт ўтиши билан одамлар жамоа бўлиб яшаш лозимлигини тушундилар... Оиланинг шаклланиши ёки оилани бошқаришга асос солиш бани Одам маданиятининг асосидир”. Шу жиҳатдан оила шахс ва жамият ҳаётида бирлаштирувчи, маданийлаштирувчи ва бахтга элтувчи ижтимоий вазифаларини бажаради. Фитратнинг бундай ёндашуви бундан юз йил муқаддам – XX аср I чораги ижтимоий ҳаёти учун социал ва педагогик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эди. Шу маънода у ёзади: “Оила – эр, хотин ва фарзандлардан иборат. Оила – бу бир шахс бошчилигида бир уйда яшовчилардир ва у бир неча одамлардан иборат бўлган жамоа... Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик шу миллат оилаларининг интизомига таянади”. Бу оиланинг ижтимоий вазифасини тушуниб етишдир ва Фитрат бунинг учун “Фаранг (Европа) олимлари томонидан ёзилаётган китобларни ўқиш”ни тавсия этади. Демак, Фитратнинг оиланинг ижтимоий масаласидаги ёндошувида ўзбек-ислом ва Европанинг оила масаласига доир ёндошувлари уйғун тарзда ўз ифодасини топган.

Маърифатпарвар педагогнинг фикрича, оила феноменини англашдаги **учинчи масала** бу – оила қуришнинг аҳамиятини тушуниб олишдан иборат. Мазкур масалада у “Оила ёки оила бошқариш тартиби” рисолаида батафсил фикр юритади. Аввало таъкидлаш лозимки, Фитрат эътиқодли мусулмон педагог сифатида оила қуришнинг ислом динидаги асосларини мукамал омил сифатида қабул қилади: “Иймоним комилки, оила саодати ва аҳамияти учун қабул қилинган энг мақбул қонун – исломий қонунлар бўлади”. Айни пайтда педагог оила аъзоларининг маърифатлиги, меҳнатсеварлиги ва ҳаракатчанлиги масаласида бельгияликлар ҳамда инглизларни намуна сифатида эътироф этади. Фитратнинг фикрича, оила қуриш беш муҳим табиий қонуният билан белгиланади:

биринчидан, инсоннинг индивидуал ва ижтимоий мавжудлигини оила таъминлайди. Ейиш, ичиш, нафас олиш каби индивидуал эҳтиёжларни, кийиниш, фарзандли бўлиш, жамоа бўлиш сингари ижтимоий эҳтиёжларни айнан оила таъминлайди. Бу икки тоифа эҳтиёжнинг оиладан ташқарида ҳосил қилишнинг ахлоқсизлик, ҳавонийлик ва бузуқлик иллатларини келтириб чиқаради. Шу сабабли Фитрат оила қуришни Пайғамбар суннатидан бири сифатида кўрсатади;

иккинчидан, оила қуриш – шаҳват қувватини тартибга солишдир. Аллома педагог фоҳишабозлик, ўйнашбозлик ва ноқонуний оила қуришни энг залолатли жиноят деб билади, инсонни бардавомлигини сақлашга асос бўлувчи шаҳватни тартибга солиш фақат оила воситасида амалга ошишини таъкидлайди;

учинчидан, миллатнинг бардавомлигини фақат оила таъминлайди. Фитрат бу ўринда маърифатли оила тизими инглиз миллатининг аҳолисини 44 миллион кишига ва бельгияликларнинг 7,5 миллион кишига (албатта, бу маълумотлар XX аср бошларига тегишли Ш.А.) етишига асос бўлганлигини ибрат қилиб кўрсатади;

тўртинчидан, оила шахс таълими ва тарбиясини амалга оширувчи негиздир;

бешинчидан, оила – табиий ва ижтимоий қийинчиликлар ҳамда муаммоларни ечувчи пойдевори ҳисобланади.

Бу беш табиий қонуният оила қуришнинг зарарлигини кўрсатади.

Зеро, шу тариқа Фитратнинг оила феноменининг англашга оид ёндошуви ана шу уч масалани идрок қилиб олишдан иборатдир.

Оиладаги таълим вазифаларини билиш. Бу масала оилада амалга ошириладиган педагогик таълим тушунчасининг негизларидан бири бўлиб, унга кўра, катта ёшли ҳар бир оила аъзоси оила таълими вазифаларини етарли даражада билиши керак. Бунда *биринчи масала* эр ва хотиннинг ўзаро мос даражада саводхон бўлишидир. Аёлни ҳурмат қилиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилиш, эр ва хотиннинг бир-бирини билим жиҳатидан тўлдириб туриши ана шу саводхонлик тарикбига киради. Шу сабабли бу ўринда Фитрат ўз даврида аёлларнинг билим ва фаолликдан бутунлай четда қолдирилганлигини қаттиқ танқид қилади. “Мамлакатимиздаги аёллар, - деб ёзади у, - ҳар дақиқада қанчадан-қанча таҳқир ва жафоларга дучор бўлиб яшамоқдалар. Биз туркистонликлар ўз аёлларимизни одамият доирасидан ташқарида деб ўйлаймиз... Уларни марҳаматга сазовор, инсофга лойиқ ва шафқатга ҳақли деб билмаймиз”. Бу ҳол XX аср бошлари Туркистон ижтимоий ҳаётига дахлдор бўлса-да, лекин унда Фитратнинг оилада амалга ошириладиган таълимда хотин-қизларнинг тенг иштирок этиши мазмунидаги ёндошуви ўз ифодасини топган. Чунки олимнинг фикрига кўра, “Одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади ва шуниси муқаррарки, биринчи тарбия тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади; унинг таъсири одам табиатида мустаҳкам ўрнашади”. Шу жиҳатдан хотин-қизларнинг қолганлар билан оила таълими борасида тенг саводхон бўлиши тақозо этилади.

Маърифатпарвар педагогнинг фикрича, оиладаги таълим вазифаларини билишдаги *иккинчи масала* таълим муҳитини яратишдир. Унга кўра, ота, она ва оиланинг катта ёшли аъзолари оилада таълим ҳамда тарбияни кутилган даражада амалга ошириш учун муҳит ярата билиши керак. Қачонки оилада ўзига хос бирламчи педагогик муҳит, яъни ўқитиш мақсади, муайян шароит ва мақсадли ҳаракат ташкил этилса, унда педагогик таълимни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Фитрат буни асосий масалалардан бири сифатида билади ва унинг негизини эр ва хотиннинг ўзаро муносабатларида кўради. Олимнинг фикрига кўра, оиланинг

тамали бўлган эр ва хотиннинг муносабатлари ахлоқ, маънавият ва диёнат қоидаларига асосан қурилса, оилада таълим муҳитини кутилган даражада яратиш мумкин бўлади. Бу борада ўз шароитидан келиб чиқиб, эр ва хотин муносабатлари “Қуръон ҳукмлари асосида бўлиши керак”, - дейди. Ҳозирги замон олимларининг фикрича, эр ва хотин муносабатларининг қатъий ва ишончли асосларидан бири Қуръони каримда баён қилинган. Чунки Қуръони каримда эр, хотин ва оила аъзоларининг ўзаро муносабатларига доир бурч, вазифа, мажбурият ва масъулият тенг ҳамда асосли равишда белгилаб қўйилган. Фитрат бунинг негизини Муҳаббатда кўради: “Ҳозирги (XX аср бошлари – Ш.А.) олимлар ва донишмандларимиз билиттифоқ шундай фикрга келганларки, коинотдаги барча зарра ва зурриётлар муҳаббатсиз бирга бўлолмайди. Одамзод ва ҳайвонлар ўртасидаги муносабат ҳам муҳаббат қоидасига асосланган... Муносабат эр ва хотиннинг бир-бирига нисбатан дўстлиги Муҳаббат даражасига етмаса ҳам шундай илож топиш лозимки, лоақал бир-бирларидан нафрат қилмасинлар”.

Шу тариқа Фитрат оилада таълим муҳитини яратиш калити эр ва хотиннинг ўзаро муҳаббатли (ўзаро тушунувчан) муносабатида деб билади. Бундай ёндошув бир қарашда примитив бўлиб туюлади. Аслида эса педагог олим ўз даврига мос равишда масаланинг психологик жиҳатига эътиборини қаратган. Бугунги кунда ҳам оиланинг моддий-маънавий таъминоти юқори бўлгани ҳолда, унда таълим муҳитининг заифлиги, “тўқликка шўхлик” иллатининг бардавомлиги ва оиладаги таълим-тарбия ишининг кўп ҳолларда кутилган самарани бермаётганлиги – айнан эр ва хотиннинг муносабатлари ҳосиласи эканлиги сир эмас.

Оиладаги таълим вазифаларини билишдаги учинчи масала масъулиятдир. Фитратнинг бу ёндошувига кўра, ота, она ва оиладаги катта ёшлилар ёш авлоднинг таълим олиши (ўқиши) учун масъулият сезиши шарт. Бунинг учун оилапарварлик, болапарварлик ва ахлоқийлик қоидаларига амал қилиш лозим. Жумладан, Фитрат ёзади: “Мамлакатимизда шундай кишилар борки, ўзларининг ёлғон мулоҳаза ва хато фикрларини пеш билиб, хотин ва болачақаларини ташлаб кетадилар... Аслида эса уларнинг бу ҳаракатларини ислом дини қабул қилмайди, балки қўллайди”. Ёки: “Мамлакатимиздаги яна бир ёмон одатлардан бири шуки, қизларимизни илм олиш шарофидан бебаҳра қолдирамыз. Шунинг учун ҳам аёлларимизнинг на эътиқоддан, на ибодатдан ва на дини ислом ахлоқидан хабарлари бордир”. Ёхуд: “Билмак керакким, диёнат ва номус каби ахлоқий фазилатлар бир оиланинг саодати ва интизоми учунгина эмас, балки бутун бир мамлакатнинг бахти ва барқарорлиги учун ҳам лозим ва зарурдир. Бугунги кунларда Оврўпа миллатлари ана шундай ахлоқий ва табиий кучларга таяниб, илм ва санъатларини ҳайратга келтирадиган даражага кўтарганлар”.

Буларнинг барчаси ота, она ва оиланинг катта ёшли аъзоларида оилапарварлик, болапарварлик ҳамда ахлоқ қоидаларининг таркиб топишини зарурият қилиб қўяди, натижада уларда оилада амалга ошириладиган таълим учун масъулият пайдо бўлади.

Шундай қилиб, Фитрат оилада амалга ошириладиган таълим вазифаларини билишнинг савияси сифатида эр-хотиннинг ўзаро мос саводхон бўлиши, таълим муҳити яратилиши ва оила таълими билан шуғулланувчиларнинг масъуллигини кўрсатади. Булар педагогик, психологик ва ижтимоий омиллардир.

Адабиётлар:

1. “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 24 февраль сони.
2. Абдужалилова Ш. Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари. НДА.- Тошкент, 2002.
3. Ахророва Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари. НДА.- Тошкент, 1998.
4. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Абдурауф Фитратнинг илмий мероси. ДДА. – Тошкент, 1996.
5. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва истиқлол маънавияти. //Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: “Маънавият”. 2000. 28-бет.
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, фидойилик, матонат. –Т.: “Маънавият”. 2002. 9-бет.
7. Фитрат А. Оила. –Т.: “Маънавият”. 1998.
8. Фитрат А. Мунозара. //Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: “Маънавият”. 2000. 49-бет.
9. Фитрат А. Ҳинд сайёҳининг баёноти. // Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: “Маънавият”. 2000. 98-бет.
10. Шеммель Анна Маре. Жонон менинг жоним. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2002.
11. Ғаниев И. Абдурауф Фитрат ижодида бадиий санъатлар. ДДА. - Тошкент, 2007 ва ҳ.к.